

Мелиорация-ирригацияга оид терминларининг

номинатив табиати

ЎзДЖТУ магистратура

бўлими 2-босқич магистранти

М.О.Намазова

Мелиорацияга оид терминларининг номинатив табиати ерни суғориш тушунчасининг қуйидаги соҳаларини ўзида мужассамлаштиради:

- 1) суғориладиган ерларни шўрланиши, ботқоқланиши, эрозияланиши ва тупроқнинг заҳарли моддалар билан ифлосланишининг олдини олиш;
- 2) шўрланган, ботқоқланган, емирилган, заҳарли моддалар билан ифлосланган ерларни тубдан яхшилаш ва унумдорлигини ошириш; 3) янги ерларни ўзлаштириш; 4) маҳаллий жойларнинг иқлим шароитини яхшилаш, яъни шамол ва гармселга қарши курашиш; 5) сел оқими, кўчма қумларга, ҳамда ер кўчишини олдини олиш ва қарши кураш; 6) ер усти, ер ости сувларини ростлаш ва улардан самарали фойдаланиш усулларини ишлаб чиқиш; 7) кўшимча сув манбаларидан (оқова, чиқинди) фойдаланиш. Демак, юқорида кўрсатилганларга асосланиб мелиорациянинг асосий вазифаси маълум жойнинг иқлими, тупроғи, ер усти, ер ости ва сизот сувлар тартибини яхшилашдан иборат, деб тушунамиз.

Ўзбекистан мустақилликка эришгандан кейин суғариш ва мелиорация ишларини илмий асосида ривожлантиришга катта эътибор бермоқда. Ҳозирги пайтда Республикамизда суғориш ва мелиорация ишларини ўрганиш ва уларни такомиллаштириш учун Ўзбекистан сув муаммолари институти, Ўзбекистан пахтачилик илмий тадқиқот институти ва унинг вилоятлардаги тажриба станциялари, Ўрта Осиё ирригация илмий тадқиқот институти ва бошқа илмий ташкилотлар фаолият кўрсатмоқда. Мелиорация фанининг ривожланишига А.Н.Костяков, В. Д. Жулин, В. В. Пославский, А.Ковда, В.С.Малигин, В.И.Легостаев, Аҳмедов, Н.Ф.Беспалов, В. А.Духовный, Н.Ҳамраев, Ф.Раҳимбоев, К.Мирзажонов, Б.Қамбаров ва бошқалар катта ҳисса қўшдилар [Аҳмедов 1977, Мирзаев].

Иқлим, тупроқ ва сув манбаларнинг ноқулай шароитларнинг яхшилаш бўйича мелиорация қуйидаги турларга бўлинади:

1. Гидротехник мелиорация - бу сув омборлари, суғориш тармоқлари, сув чиқариш иншоотлари ва тупроқ таркибидаги сизот сувларини чиқариб ташлаш учун коллектор - зовур тармоқлари, селга қарши иншоотларини лойихалаштириш ва қуриш ишларини амалга оширади.
2. Сув хужалик мелиорация - бу суғориш ва зах кочириш иншоотларидан

тугри фойдаланиш, сувдан самарли, тежаб-тергаб фойдаланиш, сув исрофгарчилигига карши курашиш каби тадбирларни уз ичига олади.

3. Агромелиорация - бунда агротехник тадбирларни утказиш йўли билан микроиклим, тупроқ хоссаси ва сизот сувлари тартиби яхшиланади. Бу тадбирларга ер текислаш, ихозаторлар барпо килиш, чукур шудгорлаш, юмшатиш, тилмалаш, ерга ўз вақтида юқори сифатли ишлов бериш, тупроқ таркибидаги зарарли тузларни ва кимёвий моддаларни ювиш тадбирлари киради.

4. Биологик мелиорация - бунга тупроқнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш учун турли органик моддалар солиш (гўнг, лиглин, майдаланган ғўзапоя, органик чиқиндилар) ва беда экини иштирокидаги илмий асосланган алмашлаб экиш, туз таъсирига чидамли экинларни, тупроқ таркибидаги захарли моддаларни кўпроқ ўзига суриб оладиган экинларни, тез ерни қоплаб буғланиш ва туз тўпланишини камайтирадиган экинларни экиш ва бошқа тадбирлар киради.

5. Кимёвий мелиорация - бунда кимёвий бирикмалар кўшиш йўли билан ноқулай тупроқ хоссалари яхшиланади. Шўртоп тупроқларни охаклаш, гипслаш, фосфогипслаш, зичланган тупроқлар донадорлигини ошириш (К - 4,К-9), тадбирлари киради.

6. Механик мелиорация - бу тупроқ юзасида тўпланган тузларни механик усуллар ёрдамида тўплаш ва далалардан ташқарига чиқариш, тупроқни турли чиқиндилардан тозалаш, кўчма қумларни механик усуллар билан мустаҳкамлаш, механик таркиби оғир тупроқларни қумлаш, тошлоқ ерларни устига тупроқлар солиш каби тадбирларни ўтказди.

Ҳар бир жойнинг табиий ва ҳўжалик шароити ҳисобга олиниб, битта ёки бир нечта мелиорация тури қўлланиши мумкин.

1. Мелиорация, эрозия, арид, гумид, субгумид, агромелиорация, биологик мелиорация, антропоген тўсиқлар, агрокимё, гидрология, агрометеорология, механик мелиорация, кимёвий мелиорация.

2. Биокимёвий омиллар, микрорельеф, макрорельеф, мезорельеф, шўрхоқ, шўртоб, ботқоқланиш, гидрогеологик шароитлар, рельеф, гидрогеологик минтақа, шўрланиш, ҳўл шўрхоқлар, қатқалоқ шўрхоқлар, майин ва қора шўрхоқлар, анионлар, катионлар, инпульверизация.

3. Галосуккулентлик аломатлари, транспирация Эвопотранспирация, ксероморфизм, физиологик қуруқлик,усув фазалари.

4. Гравитацион сувлар , муаллақ сувлар, кацилляр захланиш, босимли сувлар, сув тўсар қатлам, геология, гидрогеология, геоморфология, биологик хусусият, абромелорация, минераллашганлик, критик чуқурлик.

5. Агромелиоратив ва гидромелиоратив тадбирлар, кольматаж, ирригация тармоқлари, гидромодуль, бурғу қудуқлар, аэрация қатлами, фильтрация, транспирация, глейлаш, нефтлаш, битумлаш, силикатлаш.

6. Зовур, чек, чегаравий дала нам сиғими, гравитацион, тупроқ агрегат ҳолати, жорий шўр ювиш, шўр ювиш меёри, дефицит, лигнин.

7. Табиий ва сунъий зовур, биологик ва гидротехник зовурлар, кучайтирип насосли зовурлар, вакуумли зовур, тик зовур.

8. Гидромелиоратив ва агромелиоратив тадбирлар, жадал зовурлаштириш, жорий текислаш, муваққат зовур, оғир тупроқлар.

Оғир тупроқ тушунчаси семантик майдонининг ўзи бир қатор номинациялар воситасида тақдим этилиши мумкин, масалан: а) шўрланган тупроқ гуруҳлари; б) шўрхок ва шўрхоксимон тупроқлар; в) шўртоб ва шўртобли тупроқлар ҳақида маълумот; г) шўрхок ва шўрхоксимон, шўртоб ва шўртобли тупроқларни ўзлаштириш; д) шўрланган тупроқларда агротехник ва гидротехник тадбирлар асосида ўзлаштириш; е) кум ва кумлок ерларни ўзлаштириш; ё) тупроқ эрозиясининг моҳияти; ж) эрозиянинг турлари; з) сув, шамол ва ирригацион эрозияга қарши кураш чоралари; и) сел оқимининг ҳосил бўлиш омиллари; й) сел оқимига қарши кураш тадбирлари.

Демак, гидротехник мелиорацияга оид терминлар ёрдамида ер майдонларининг суғорилиши, тупроқ намлиги оширилиши ёки ботқоқланган ерларнинг қуритилиши ва зах ерлар захи қочирилиши асосида тупроқда керак бўлган ҳаво, сув, туз ва озук режими билан боғлиқ тушунчалар қамраб олинади. Агротехник мелиорацияга оид терминлар воситасида эса ўсимликлар учун зарур бўлган тупроқ таркибидаги озик моддалар таркибининг тубдан яхшиланиши, тупроққа минерал ва маҳаллий ўғитлар солиш, алмашлаб экиш, ҳайдаш, алмашлаб экишни жорий қилиш ишлари билан боғ тушунчаларни воқеланади.

Бундан ташқари, гидромелиорацияга оид терминлар суғориш мелиорацияси ва зах қочириш мелиорацияси соҳасидаги тушунчаларни кенг миқёсда намоён этади. Биринчи ҳолатда терминлар тупроқ таркибидаги намликни сунъий равишда сув бериш орқали амалга ошириш, яъни суғариш технологияси, сув режими, сув сарфи ва каналларни лойиҳалаш, белгиланган суғариш режимини амалга ошириш, яъни экин майдонига сув тарқатиш, суғоришлар сони, суғориш меёри ва муддатлари ҳамда сув сарфи, яъни вақт бирлиги ичида канал кўндаланг кесимидан ўтадиган сув миқдори, л/с ёки м³/с. билан боғлиқ номларни акс эттиради. Иккинчи ҳолатда эса, тупроқнинг актив қатламидаги сув захирини камайтириш, яъни сизот сувлар сатҳни ростлаш, шўрланиш арид, ботқоқланиш сатҳини пастга ростлаш бўйича зах қочириш тармоқлари (чуқур қазима, катта канал, кичик канал, зовур ва ростловчи тармоқлар ва б.) нинг

номлари ифодаланади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Абдуазизов А.А. Тилшуносликка кириш назарияси. Т.: Шарк, 2010. - 262б.
2. Paluanova, X. D. "Derivation-semantic principles of ecological terms in English, Uzbek, Russian and Karakalpak languages: Dr. phil. sci. diss." (2016).
3. Жабборов Х. Ўзбек тилида сув лексемасининг луғавий-маъновий хусусиятлари. Қарши: Насаф, 2005. - 150 б.
4. Мирзаев А. Сугориш ва зах кочириш мелиорацияси. Тошкент: Ўқитувчи, 2015, 15-18- бетлар
5. Carsten P., Tehen A. K., Robinson J. S. Rebound effects in agricultural land and soil management: Review and analytical framework // Journal of cleaner production. 2019. Vol. 227. P. 1054-1067. DOI: 10.1016/j.jclepro.2019.04.115.